



Birgalikda ijtimoiy davlat sari!

O'zbekiston Ovozi

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

t.me/uzbekiston_ovozi_gazetasi facebook.com/uzbekistonovozi instagram.com/uzbekiston_ovozi www.uzbovozi.uz info@uzbovozi.uz

№52

2024-yil
25-dekabr, chorshanba

1918-yil
21-iyundan chiqa boshlagan



ЯНГИ ЙИЛИМИЗ ҚУТЛУФ ЙИЛ БЎЛСИН!



Асосий арча Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг олд майдонида ташкил қилинади. Албатта, Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларда ҳам марказий арчалар ўрнатилиб, байрам тадбирлари кўтаринки руҳда ўтказилади.

» БУГУНГИ СОНДА

2024 ЙИЛДАГИ НАТИЖАЛАР ЯНГИ КУЧ БЕРАДИ

Дунё мамлакатлари Янги йилни янги орзу-умидлар билан кутиб олишга тайёргарлик кўрмоқда. Янги йил – бу янгиланиш, янги умидлар ва янги имкониятлар даври. Ҳар йили бўлганидек, Янги йил бўсағасида ўтган йилга якун ясаиб, келажак учун режалар тузилади.

Ватанимизда жорий йил қатор сиёсий, ижтимоий воқеаларга бой бўлди, деб айта оламиз. Халқимиз томонидан қабул қилинган янгиланган Конституция асосида Олий Мажлисга ва маҳаллий Кенгашларга сайловлар бўлиб ўтди. Сайловлар мамлакатимизда ижтимоий давлат қуришдек эзгу мақсадни ўз олдига қўйган меҳнатқаш халқимизнинг депутатларни демократик асосларда танлаб олиш имкониятидир.

2



КУЧ ВА
ИМКОНИАТЛАРИМИЗНИ
БИЗНЕС РИВОЖИГА
САФАРБАР ЭТАМИЗ



ҚУЙИ ПАЛАТА МУҲОКАМАСИ

ҲАР БИР МЕЪЁР ОРТИДА ИНСОН БОР

ПАРЛАМЕНТ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИННИНГ ЯНГИ ТАРКИБИ ҚОНУН ИЖОДҚОРЛИГИ ЖАРАЁНИГА ҚИЗГИН КИРИШИБ КЕТДИ. АЙРИМ ЛОЙИХАЛАР УЗОҚ ВА КЕНГ ҚАМРОВЛИ МУҲОКАМА ҚИЛИНЯПТИ, ФОЙДАЛИ БАҲС-МУНОЗАРАЛАР АВЖИГА ЧИҚЯПТИ.

Кеча палата мажлисида "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш хизматларини кўрсатиш соҳасида тўлов интизомини мустаҳкамлашга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда кўриб чиқилди.

Тан олиш керак, маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш бўйича кўрсатилган хизматлар учун тўловларни тўлашга ҳаммамиз ҳам, ҳар доим ҳам ҳафсала қилмаймиз. Тўловсиз эса тизим тўғри ишлаши қийин, дебитор қарздорлик кескин ошиб кетиши турли муаммоларни юзага келтириши мумкин. Масалан, тўлов интизомининг пастлиги хизмат кўрсатувчи ташкилотларнинг молиявий кўрсаткичларига салбий таъсир кўрсатмоқда, асосий фондларни янгилаш ва хизматлар сифатини оширишга инвестиция киритиш имкониятларини чекламоқда.

Биринчи ўқишда депутатлар лойиҳани концептуал жиҳатдан маъқуллаган бўлса-да, ўз эътирозларини ҳам баён қилган эди. Унга кўра, иккинчи ўқишгача бўлган даврда истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ меъёрлар мустаҳкамланди.

3 САҲИФАДА

БАРАКАЛИ ЙИЛ

ИНСОННИНГ ИМКОНИАТЛАРИ
ЧЕКЛАНМАГАН



ТОМОРҚАГА МЕҲР МЎЪЖИЗА
ЯРАТАРКАН



10 ДАН 1 ЭМАС, 3 ДАН 1!



63 ДАН 80 ФОИЗГА ЕТКАЗИЛДИ



ЯШИЛ ЙИЛ САРИ



4-5 САҲИФАЛАРДА



САРҲИСОБ

2024 ЙИЛДАГИ НАТИЖАЛАР ЯНГИ КУЧ БЕРАДИ



Дунё мамлакатлари Янги йилни янги орзу-умидлар билан қўтиб олишга тайёргарлик қўрмоқда. Янги йил – бу янгилик, янги умидлар ва янги имкониятлар даври. Ҳар йили бўлганидек, Янги йил бўсағасида ўтган йилга яқун ясашиб, келажак учун режалар тузилади. Ватанимизда жорий йил қатор сиёсий, ижтимоий воқеаларга бой бўлди, деб айта оламиз. Халқимиз томонидан қабул қилинган янгиликлар Конституция асосида Олий Мажлисга ва маҳаллий Кенгашларга сайловлар бўлиб ўтди. Сайловлар мамлакатимизда ижтимоий давлат қуришдек эзгу мақсадни ўз олдига қўйган меҳнатқаш халқимизнинг депутатларни демократик асосларда танлаб олиш имкониятидир.

Халқ демократик партияси ҳам ушбу сайловларга катта тайёргарлик билан иштирок этди. Маҳаллаларда юриб, фаоллар билан кенгашиб, бугун одамларни ўйлантириб турган муаммолар ва уларнинг ечими таклиф этилган Сайловолди дастури фуқароларимиздан “халқчил дастур” деган эътирофни қозонди.

Сайлов натижаларига эътибор берсак, Олий Мажлис Қонунчилик палатасида номзодларимиз 20 ўринга эга бўлиб, Олий Мажлис Сенатига сайланган 16 нафар аёлларнинг етти нафари, яъни, 43,7 фоизи партияимиз вакиллариридир.

Вилоятлар Кенгашларидаги 725 депутатлик ўрнидан 149 таси партияимизга тегишли бўлди. Бу 20,5 фоизга тенг бўлиб, иккинчи ўриндамиз.

Шуни ҳам эътироф этиш керакки, Андижон вилояти Кенгашидида 27 фоиз, Наманган вилояти Кенгашидида 25 фоиз, Сирдарё ва Хоразм вилоят Кенгашларида 23 фоиз депутатлик ўринларини партияимиз вакиллари эгалладилар.

Халқ демократик партияси туман (шаҳар) Кенгашларида янада муваффақиятли натижаларга эришди. Республика бўйича жами 4970 депутатлик ўрнининг 1023 таси партияимиз вакилларига насиб этди, бу 20,5 фоиз демакдир.

Туманлар миқёсда таҳлил қилинадиган бўлса, Бешариқ туманида номзодларимиз 25 ўридан 10 тасига эга бўлиб, 40 фоизлик маррага етди. Данғара тумани, Пахтачи тумани, Учқўрғон тумани, Наманган тумани, Бойсун туманларида 36 фоиз, Шуманай туманида 35 фоиз, Олтинқўл, Янгиариқ туман Кенгашларида депутатларимиз жами сайланган депутатларнинг 32 фоизини ташкил этди. Бир қатор туманларда депутатларимиз 28-25 фоиз ўринларини эгалладилар.

Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши томонидан барча ҳудудларда сайланган депутатлар учун ташкил этилган ўқув семинарларида депутатлар фаолиятини яхшилашга доир аниқ тақрифлар олмақдамиз.

Айниқса, устоз партияимиз сафидаги фахрийлар кўп яхши фикр ва таклифларини билдиришмоқда. Мисол учун, 84 ёшни қоралаган, мамлакатимиз мустақилликка эришгандан буён депутатлик масъулиятини виждонан бажариб келаётган, ўз вақтида Сенат аъзоси бўлган сурхондарилик депутатимиз Арзизул Соатов бугунги кун депутати қандай бўлиши кераклиги ҳақида жуда муҳим тавсияларни илгари сурдилар, уларга тенгдош, ҳудди шундай тажрибали депутат, Сенат аъзоси, Ўзбекистон Қаҳрамони Шукржон Маматқулов хотиралар ва тажрибаларига асосланиб, жамиятимизни ривожлантириш, ёшларга маънавий озуқа берувчи “Ҳаёт йўллари ва ўйларини” номли қўлланма яратдилар.

Бугунги кунда Халқ демократик партияси аъзоларининг 39 фоизини 30 ёшгача бўлган навқирон авлод ташкил этди. Албатта, сайловларда улар ҳам фаол иштирок этишди. Мисол учун, 24 ёшли Баҳромбек Саидиллоев Ромитан туман Кенгашига, 26 ёшли Хусанов Шодонбек Қувасой шаҳар Кенгашига, 27 ёшли Олимов Облоберди Қува тумани Кенгашига депутат этиб сайланди.

Мамлакатимизда аёллар яратилаётган кенг имкониятлар, аёллар учун ажратилган квотлар, аёллар раҳбарлик лавозимларига кенгроқ жалб этишга қаратилган сиёсат, албатта, ижобий натижаларини кўрсатмоқда. Бунга жорий йилги сайлов натижалари яққол мисол бўла олади.

Партияимиз вакилларида вилоят Кенгашлари ва Тошкент шаҳар Кенгашига сайланган жами депутатлар сони 149 нафар бўлиб, улардан 45 нафари, яъни, 30,2 фоизи аёллардир. Туман Кенгашларига сайланган жами 1023 нафар депутатларимизнинг 325 нафари, яъни, 31,7 фоизи муҳтарам аёллардир. Яна шундай ажойиб мисолларни келтиришимиз мумкин, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгасига сайланган депутатларимизнинг тенг ярми аёллар, Мўйноқ, Бекобод туманларида эса бу кўрсаткич 100 фоизга тенг бўлди.

Республикаимизнинг барча ҳудудларида аёллар сиёсий жараёнларда фаол иштирок этаётганини сайлов натижалари кўрсатмоқда. Богот туманида 83,3 фоиз, Юнусобод ва Сергели туманларида 80 фоиз, Мўбороқ, Когон, Оҳангрон туманларида 75 фоиз депутатларимиз аёллардир. Умуман олганда, деярли барча туманларда аёл депутатларимиз 50 фоизлик маррани эгалладилар.

Янги йил – “Атроф-муҳитни асраш ва «яшил» иқтисодиёт йили” бўсағасида турибмиз. Партияимиз сайловчилар томонидан “Халқчил дастур”, деб баҳоланган Сайловолди дастурини ижро этишга кучли шижоат билан киришди. Бу бўйича Амалий ҳаракат дастурини қабул қилдик. Сайловчиларга, халқимизга берилган ваъдаларни ёруғ юз билан бажариш ниятидамиз. Эзгу мақсадни амалга оширишда партияимизнинг барча аъзоларига, халқ ишончини қозонган депутатларимиз фаолиятига омад ва муваффақиятлар тилаймиз.

Янги йил она халқимиз, жонажон Ватанимиз, ҳар биримиз учун омадли ва баракали йил бўлсин!

Мақсуда **ВОРИСОВА**,
Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари

ИСЛОҲОТЛАР ТАҚДИРИ ҲУДУДЛАРДА ҲАЛ БЎЛАДИ

— ЮРТИМИЗ АҲОЛИСИ 2024 ЙИЛНИНГ 1 ОКТЯБРЬ ҲОЛАТИГА КўРА, 37,4 МИЛЛИОН НАФАРГА ЕТГАН ВА БУ КўРСАТКИЧ 2023 ЙИЛНИНГ МОС ДАВРИГА НИСБАТАН 2,1 ФОИЗГА ОШГАН. ЭЪТИБОРЛИ ЖИҲАТИ, 19 МИЛЛИОНДАН ЗИЁД КИШИ ШАҲАРЛАРДА, ҚОЛГАНИ ЭСА ҚИШЛОҚЛАРДА ИСТИҚОМАТ ҚИЛМОҚДА. ШАҲАРДА ЯШОВЧИЛАРНИНГ СОНИ ОРТИШИ ОДАМЛАРНИНГ ТУРМУШ ТАРЗИ ЎЗГАРАЁТГАНИ, ШАРОИТЛАРИ ЯХШИЛАНАЁТГАНИ ВА ФАРОВОНЛИКДАН ДАЛОЛАТ БЕРАДИ, АЛБАТТА.



Имомназар ТУРСУНОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзоси:

Ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича чуқур ўйланган ва таҳлиллар асосида амалиётга татбиқ этилаётган дастурлар ижроси ҳажумли равишда яхши ўзгаришларга хизмат қилмоқда. Жиллардаги муаммолар босқичма-босқич ечим топмоқда.

Хусусан, мамлакатда тadbirkorлик ташаббуслари ва лойиҳаларини жадал амалга оширишни ташкил этиш, аҳоли билан мулоқот тизимини йўлга қўйиш бўйича комплекс чора-таdbirkorлик олиб борилмоқда. Маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини ошириш масаласи ҳам кун тартибидан тушмай келяпти.

Мамлакат тараққиёти ҳудудларнинг реал ҳолати, ривожланиш даражаси билан беvosита боғлиқ. Шундан келиб чиқиб, 2020 йилда ҳудудларни барқарор ривожлантириш учун уларнинг комплекс ва мутаносиб ижтимоий-иқтисодий ҳолатини баҳоланиш ягона тизимини жорий этиш мақсадида Президент қарори қабул қилинган эди. Унда табиий хом ашё ресурсларидан фойдаланиш самардорлигини, иқтисодий ва инвестициявий салоҳиятини, ҳудудларнинг бошқа қийматли устунликларини аниқлаш механизми ҳам назарда тутилган. Қарорга кўра, статистик кўрсаткичлар ва сўрономалар натижалари асосида ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг рейтинг баҳоланиш тизими жорий этилди. Бу эса ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш кўрсаткичларини таҳлил қилиш борасидаги муаммоларнинг амалий ечимига хизмат қилмоқда.

“ЎЗИНИКИ ЎЗИГА” ТАМОЙИЛИ

Яқинда давлатимиз раҳбари Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг сайловдан кейинги биринчи мажлисида аҳоли фаровонлигини ошириш бўйича дастурларни ишлаб чиқишда парламентнинг фаол иштирок этиши муҳим эканини таъкидлади. Президент инвестиция дастурларини тайёрлашда депутатлар ҳам албатта иштирок этадиган, уларнинг фикри инобатга олиннадиган тизим яратиш ташаббусини илгари сурди.

Шу билан бирга, туман ва шаҳарларнинг молиявий имкониятларини ошириш мақсадида келгуси йилдан ер, мол-мулк ва айланма солиқларини тўлиқ, даромад солигининг эса камида 50 фоизини туман ва шаҳарнинг ўзида қолдириш таклиф этилди. Бундан кўринадики, 4 йил олдин ҳудудларни ривожлантиришга оид бошланган янги ислохотлар ёндашувнинг нақадар тўғри бўлганини исботлади. Айна пайтда яна бир муҳим қадам ташланишига

замин яратди.

Авалл қанақа эди? Масалан, Ўзбекистонни катта бир оила деб оладиган бўлсак, унда ишлаб топилган даромад бир қозонга тушган. Меҳнат қилган ҳам, ишламаган ҳам умумий жамғармадан баҳраманд бўлган. Аммо аччиқ бир ҳақиқат бор, яъни, ҳар ким ўз “аравасини” ўзи тортиши керак. Энди ишлаган ҳам, ишламаган ҳам тенг бўлмади. Яъни, қайси ҳудудда хунармандлар, бизнес эгалари кўп бўлса, қайси бир туман имкониятлардан самарали фойдаланётган бўлса, унинг пули ҳам кўп бўлиши керак. Чунки у бошқаларга қараганда кўпроқ солиқ тўлаяпти.

Соддароқ айтганда, энди, ҳар бир ҳудуднинг ўз “чўнтағи” бўлади. Кўп даромад топаётган туман ёки шаҳар ўзига янада кўпроқ инвестиция қилади ва тезроқ ривожланади. Янги иш ўринлари ташкил қилинади, коммуникация тармоқлари, инфратузилма муаммолари ҳал этилади. Жамият ҳаёти учун ўта муҳим бўлган ижтимоий масалаларни айланма тизим орқали эмас, тўғридан-тўғри ҳудуднинг ўзида ҳал этиш имкони юзга келади. Тақсимотдаги мураккабликлар барҳам топиб, ижтимоий объектларнинг ҳолати янада яхшиланади.

Ҳудудларда тушумларнинг кўпайиши, даромад солигининг ортиши қонунлар ишлаётганини, одамлар меҳнатига яраша даромад топаётганини, тadbirkorлик, хизмат кўрсатиш ривожланаётганини билдиради. Раҳбарлар фуқаролар мувожаат қилиб келганда, қўрқмасдан, аниқ ваъда бера олади. Ҳудудлар ўртасида соғлом рақобат муҳити юзга келади. Кўрсаткичлари орқада қолаётган туман-шаҳарлар ҳам яхшироқ ишлашга интилади. Иқтисодий-солиқий соғлом муҳит, мустақиллик, эркинлик пайдо бўлади.

Ақсинча, қаердаки даромад кам, ҳудуд дотацияда ўтирган бўлса, ўша ерда қонунлар, қарор ҳамда фармонлар тўғри ва тўлиқ ижро этилмаётгани ойдинлашади. Ҳудудлар равақ топса, мамлакат чин маънода тараққий этади.

ҲАММА БОР ИМКОНИЯТИНИ ИШГА СОЛСА...

Биламизки, юртимизда нафақат шаҳар ва туманлар, ҳаттоки маҳаллалар ҳам ижтимоий-иқтисодий салоҳияти, одамларнинг тутумларига кўра бир-бирдан фарқ қилади. Шунинг учун ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалалари алоҳида ёндашувини талаб этади. Бу борада барча даражадаги раҳбарлар ва, шубҳасиз, депутатлар ҳам ташаббускор бўлиши талаб этилади. Чунки депутатлар халқ орасида ва уларнинг эҳтиёжини ҳам, имкониятини ҳам билади.

Республикада ҳудудларнинг молиявий имкониятларини ошириш мақсадида 2025 йилдан ер, мол-мулк ва айланма солиқларини тўлиқ, даромад солигининг эса камида 50 фоизини туман ва шаҳарнинг ўзида қолдириш режалаштирилган. Натижада янги йилда туман ва шаҳарлар бюджетлари даромади 9,4 трлн сўмга ёки 47 фоизга ошиши кутилмоқда. Маҳаллий Кенгашларнинг маҳаллий бюджет маблағларини бошқаришдаги иштироки фаолашуви эса ҳудудий масалаларни республика даражасига олиб келинишига ҳожат қолдирмайди. Ҳар бир муаммо жойида ҳал этилади.

Қолаверса, рейтинг баҳоланиш тизими асосида ҳудудларнинг ўзига хослиги ўрганиб борилиши мақсадга мувофиқдир. Масалан, ҳар бир туманининг иқтисодий, географик, ижтимоий хусусиятлари, меҳнат ва табиий ресурсларини

2022-2026 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясининг 5-мақсади ихчам, профессионал, адолатли, юқори натижадорликка хизмат қиладиган давлат бошқаруви тизимини жорий қилишга қаратилган.

инобатга олган ҳолда уларда тadbirkorликни ривожлантиришнинг аниқ йўналишларини белгилаб олиш мумкин. Тизимли муаммоларни аниқлашда, туман-шаҳарларнинг реал иқтисодий салоҳиятини баҳолашда, аҳоли турмуш даражаси ва даромадларини таҳлил қилишда ҳам бу амалиёт асқотади. Ўз ўрнида, ҳудудий раҳбарлар фаолияти устидан жамоатчилик ва депутатлик назоратини ўрнатиш, ким нима билан банд экани тўғрисида маълумотга эга бўлиш имкони оширади.

ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ – АМАЛДА

2022-2026 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясининг 5-мақсади ихчам, профессионал, адолатли, юқори натижадорликка хизмат қиладиган давлат бошқаруви тизимини жорий қилишга қаратилган.

Бугун гувоҳи бўлмоқдамизки, бу борада авваллари мутлақо бўлмаган тизим яратилмоқда. Марказлашган бошқарувга барҳам бериляпти. Ҳудудларни ривожлантириш бўйича вазифаларни ҳал қилишда барча даражадаги давлат бошқаруви органлари ҳудудий бошқармалари ишни самарали ташкил этишга интилади.

Ҳудудларда тadbirkorликни қўллаб-қувватлаш, ишсизлик ва камбағалликни қисқартириш бўйича мавжуд тузилмалар фаолиятини тақомиллаштириш чоралари изчил йўлга қўйилди. Туманлар аниқ махсулот тури етиштириш ва ишиқ чикаришга ихтисослаштириляпти. Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларида салмоқли иш ўринлари яратилляпти. Шаҳар ва туманлар марказларида аҳолининг кундалик эҳтиёжи юқори бўлган катта даражадаги раҳбарлар, лекин бу вазият шундай қолади дегани эмас. Агар давлат раҳбари билдирган таклиф амалга ошса, ҳар бир ҳудуд ўз бюджетига эга бўлса, шу кунгача “уйқу”да ётганлар ҳам сергақ тортади. Ён қўшнинг кўчаси асфальт бўлгани, маҳалласи ободонлашаётгани, одамларнинг кайфиятини кўрган ҳар қандай одам унга тенглашишга, ҳатто ундан ўзишга ҳаракат қилади.

Соғлом рақобат муҳити ҳамеша тараққиётга хизмат қилади. Умуман, ҳамма ҳам барча инфратузилма ва қўлайлик билан таъминланган ҳаётда яшаши истади. Ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш йўлидаги собитқадамлик халқимиз учун мана шундай овод ва фаровон ҳаётни кафолатлайди.

КҰЙИ ПАЛАТА МУҲОКАМАСИ

ҲАР БИР МЕЪЁР ОРТИДА ИНСОН БОР



(Давоми. Боши 1-бетда)



Лойиҳанинг асосий меъёрларидан бири маиший чиқинди ташиш хизматидан қарздорлик учун истеъмолчини электр энергиясидан вақтинча узиб қўйиш билан боғлиқдир. Бу бир қарашда кўпроқ нормадек туюлиши мумкин, лекин хизматга ҳақ тўлаш, тозалик зарурати томондан қаралса, ҳаммаси тушунарли бўлади.

Иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида қарзни сўндирмаган истеъмолчини электр энергиясидан узиб қўйиш ортидан келган зарар учун истеъмолчини жавобгар қилиш меъёрлари олиб ташланган. Маиший чиқиндиларни олиб чиқиб кетишга ихтисослашган ташкилотлар тўловларнинг ҳаққоний ва тўғри ҳисобланиши учун жавобгарлиги, мазкур талаблар бузилган ҳолларда истеъмолчига етказилган зарар қопланиши белгилаб қўйилмоқда.

Ўзбекистон ХДПнинг фракцияси йиғилишида ҳам мазкур масала кўриб чиқилган эди. Депутат Шарофиддин Назаров чиқиндилардан қарздорлик аниқланган тақдирда, истеъмолчини электр тармоғидан узилиши борасида мутасадди ташкилот вакилларига бир қатор саволлар билан мувожаат қилди.

Депутатга кўра, биринчи ўқишдаги муҳокамада дахлдор ташкилот вакиллари тўловлар янги қонун кучга киргандан сўнг амал қилиши бошланишини айтган. Шунга асосан лойиҳада ушбу тартиб айнан қайси муддатдан бошланиши ҳақида меъёр йўқлиги қайд этилди. Агар аниқ муддат белгиланмаса, тушунмовчиликлар юзага келиши эҳтимоли эслатиб ўтилди.

Фракция аъзолари фикрича, ҳар бир ўзгартириш ва қўшимчалар аввало одамларга тушунарли тарзда баён этилиши зарур. Мисол учун, чиқинди олиб чиқиб кетувчилар кўрсатган хизмати учун тўлов мажбуриятлари ҳақида оголантирувчи SMS хабар йўллаш амалиёти жорий этилиши белгиланмоқда. Ушбу меъёрга кўра, қарздорлик 5 кун муддат ичига бар-тараф этилмаган тақдирда электр энергияси учун тўловларни қабул қилишни вақтинчалик чеклашга қаратилган ҳуқуқий меъёрлар татбиқ этилади. Одамларни бошқа бир йўналишдаги қарздорлиги учун электр таъминотисиз қолдириш жиддий масала эканини инобатга олиб, тарғибот ва тушунтириш ишларига кўпроқ эътибор қаратиш кераклиги таъкидланди.

Муҳими, жавобгарликни белгилаш эмас, қарздорликни вақтида қоплаш эканини унутмаслик кераклигига урғу берилди. Билдирилган таклиф, фикр ва мулоҳазалардан сўнг лойиҳа маъқулланди.

ҚАМОҚҚА ОЛИНГАНЛАР ТЕРГОВ ҲИБСХОНАСИГА ЖОЙЛАШТИРИЛИШИДАН ОЛДИН МАЖБУРИЙ ТИББИЙ КЎРИҚДАН ЎТКАЗИЛАДИ

Президентнинг тегишли фармони билан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш чоғида айбланувчи ва судланувчини ҳибсхонага жойлаштиришдан олдин уни тергов ҳибсхоналарининг ўзида мажбурий тиббий кўриқдан ўтказиш жорий этилиши белгиланган эди. Шундан келиб чиқиб, қонунчиликка ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш назарда тутилмоқда.

Палата мажлисида ҳамда аввалроқ бўлиб ўтган фракция йиғилишида қатор қонун лойиҳалари билан бирга мазкур масалани ўз ичига олган "Жиноят ишини юриштириш чоғида қамоққа сақлаш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчиларни қийноққа солиш ҳолатларининг олдини олишга қаратилган қўшимча киритиш ҳақида"ги лойиҳа ҳам муҳокама қилинди.

Лойиҳага кўра, қамоққа олинганлар тергов ҳибсхонасига жойлаштирилишидан олдин қийноққа солиш ёки бошқа ҳолат-

лар натижасида олинган жароҳатлар, шикастланишлар ва яраларни аниқлаш мақсадида тергов ҳибсхонасининг ўзида мажбурий тиббий кўриқдан ўтказилиши белгиланмоқда. Эътиборлиси, бу жараёнда адвокатнинг иштироки таъминланади ва кўрик замонавий аппаратлар ёрдамида олиб борилади.

Яна бир жиҳати, бу босқичда тезкор чора кўриш мақсад қилинган. Яъни, тиббий кўрикни ўтказиш учун вақт белгилаш таклиф этилмоқда. Унга кўра, қамоққа олинганлар тергов ҳибсхонасига олиб келингандан бошлаб бир соат ичига тиббий ходим томонидан мажбурий тиббий кўриқдан ўтказилиши мумкин.

Бироқ фракция аъзоси Зухра Шодиева лойиҳада кўрсатилган бир соат айрим жароҳатлар, масалан, бош чайқалиши ёки ички органлардаги ўзгаришларни аниқлаш учун камлик қилишни таъкидлади. Шундан келиб чиқиб, вақт масаласини қайта кўриб чиқишни таклиф этди. Бундан ташқари, тиб-



бий кўрик хулосасини қамоққа олинганнинг адвокати талабига асосан тақдим этилишига оид меъёр бўйича ҳам фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Масъуллар навбатдаги ўқишга қадар мутахассислар билан келишиб, таклифни инобатга оладиган бўлди.

Қайд этилишича, расмийлаштирилган тиббий хулосанинг биринчи нусхаси мажбурий тиббий кўриқдан ўтказилган қамоққа олинганга таништирилиб, унинг йиғма жилдига тикилиши, иккинчи нусхаси мажбурий тиббий кўриқдан ўтказилган қамоққа олинганни олиб келган ходимларга берилиши белгиланмоқда.

Агар қамоққа олинган шахснинг танасида жароҳатлар, шикастланишлар ва яралар аниқланган тақдирда, улар белгиланган тартибда қайд этилиб, бу ҳақида қамоққа олинганга маълум қилиниши ва зудлик билан прокурорга хабар берилиши мумкин.

Лойиҳада яна бошқа меъёрлар ҳам ўрин олган бўлиб, барчаси инсон муҳофазаси, унинг шаъни ва қадр-қиммати дахлсизлиги кафолатларини янада мустаҳкамлашга қаратилгани билдирилди.

СОЛИҚ ТИЗИМИ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛАДИ

Тадбиркор, аввало ўзи ва яқинларини, йирикрок бизнес эгалари эса бошқаларни ҳам иш билан таъминловчи шахсдир. Халқ демократик партиясининг дастурий ғояларидан бири аҳоли бандлигининг юқори даражасига эришишдир. Фракция аъзолари қуйи палатага киритилган навбатдаги қонун

лоийҳасини ана шу нуқтаи назардан муҳокама қилди.

Лойиҳа солиққа оид ҳуқуқбузарликлар учун белгиланган жавобгарлик чораларини, молиявий санкциялар ва маъмурий жарималарни тўлиқ хатловдан ўтказиб, жавобгарлик чораларини адолатлилик тамойили асосида белгилашга хизмат қилиши қайд этилди.

Тадбиркорлик субъектлари айнан бир ҳуқуқбузарлик учун бир неча марта жавобгарликка тортилишининг олдини олиш муҳим. Депутатлар бу каби ўзгартиришлар тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларининг самарали ҳимоя қилинишини таъминлаш, мамлакатимизда ишчанлик муҳитини янада яхшилашга хизмат қилишини эътироф этди. Шундан келиб чиқиб, қонун лойиҳаси концептуал жиҳатдан маъқулланди.

ЗЎРАВОННИНГ УЙИДА ҚОЛИШГА МАЖБУР ЭМАС

Олий суднинг матбуот хизмати йил бошида берган статистик маълумотларга кўра, 2023 йилда Ўзбекистонда 203 нафар шахс оиладаги зўравонлик бўйича Жиноят кодексига мувофиқ судланган. Уларнинг 59 нафарига озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган бўлиб, 144 киши озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазони олган. Шунингдек, 8928 киши маъмурий жавобгарликка тортилган.

Тўғри, аёлларга ҳимоя ордери бериш тизими ишга тушди ва бу кўплаб опа-сингилларимиз саломатлиги ва ҳаётини ҳимоялашга хизмат қилмоқда. Бироқ борарга жойи йўқ бўлган аёллар зўравоннинг уйида қолишга мажбур бўлмоқда. Афсуски, бир марта кўтарилган қўл яна шу ишни қилмасликка, хотинга зуғум қилган шахс биргина ордер билан уни тинч қўйишига кафолат йўқ. Оиладаги зўравонликка қарши курашиш чораларини янада такомиллаштириш ҳамда кучсизларни муҳофазалашни кучайтиришга эҳтиёж бор.

Палата мажлисида ушбу масала, яъни, оила ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, оилавий (маиший) зўравонликдан жабрланганларнинг ҳуқуқий ҳимоясини кучайтиришга қаратилган қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Лойиҳага кўра, Оила кодексининг



ҚАЙД ЭТИЛИШИЧА,
РАСМИЙЛАШТИРИЛГАН
ТИББИЙ ХУЛОСАНИНГ
БИРИНЧИ НУСХАСИ
МАЖБУРИЙ ТИББИЙ
КЎРИҚДАН ЎТКАЗИЛГАН
ҚАМОҚҚА ОЛИНГАНГА
ТАНИШТИРИЛИБ, УНИНГ
ЙИҒМА ЖИЛДИГА
ТИКИЛИШИ, ИККИНЧИ
НУСХАСИ МАЖБУРИЙ
ТИББИЙ КЎРИҚДАН
ЎТКАЗИЛГАН ҚАМОҚҚА
ОЛИНГАННИ ОЛИБ
КЕЛГАН ХОДИМЛАРГА
БЕРИЛИШИ
БЕЛГИЛАНМОҚДА.

низоларни кўриб чиқишда, қарздор (мулк эгаси бўлган эр ёки хотин)нинг ташаббусига асосан ушбу турар жойни муносиб шароитга эга бўлган бошқа турар жойга алмаштириш мумкинлиги ёки тарафларнинг келишувига асосан ижарага олинган турар жой учун ижара ҳақини тўлаш мажбуриятини қарздорга юклаш бўйича меъёр киритилмоқда.

Соддароқ айтганда, энди зўравонликка учраган шахс, кўп ҳолларда бошпанасиз қолишдан қўрққан аёл, зўравоннинг ёнида, у билан бир уйда қолишга мажбур бўлмайди. Тарафлар келишган ҳолда бошқа жойда яшashi ҳам мумкин.

Депутатлар ўз таклифлари, фикр-мулоҳазаларини билдирди, пухта кўриб чиқишни сўраган ҳолда, лойиҳани концептуал жиҳатдан қўллаб-қувватлади.

Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА,
"Ўзбекистон овози" муҳбири.





БАРАКАЛИ

ИНСОННИНГ ИМКОНИАТЛАРИ ЧЕКЛАНМАГАН

Энг руҳлантирувчи 100 аёли рўйхатига кирган сурхондарёлик Дилором Йўлдошеванинг матонати ва ишбилармонлик фазилатлари юқори даражада этироф этилиб, давлат раҳбари томонидан "Мардлик" ордени билан тақдирланди. Жисмоний имконияти чекланганига қарамай, оилада ва жамиятда ўз ўрнини топиб, 40 нафар хотин-қизни иш билан таъминланган бу аёл тимсолида ҳаёт синовлари олдига бош эгмай, иродаси тобланган ҳазрати инсонни кўрамиз.

Кейинги йиллардаги қўллаб-қувватлашга қаратилган кучли ижтимоий сиёсат Дилором опа сингари юзлаб, минглаб ҳамюртларимизнинг орзу-мақсадларини рўйбга чиқармоқда. Бугун юртимизнинг ҳар бир нуқтасида ногиронлиги бор эса-да, муқим даромад манбаини топиб, бошқаларга ҳам ёрдам қўлини чўзаётганларни учратамиз.

ХАЛҚАРО МЕХНАТ БОЗОРИДАГИ ВАЗИЯТ

Ҳозир Ер юзидан 1 миллиарддан ошқин инсон, яъни, дунё нуфусининг 15 фоизда ногиронлигининг ўзи бўлиб тури мавжуд ҳамда уларнинг 80 фоизи ривожланаётган давлатларда яшайди. Шу йилнинг июнь ойида БМТнинг ногиронлар ҳуқуқлари бағишлаб ўтказилган глобал форумида халқаро ташкилот Бош қотиби биринчи ўринбосари Амина Мухаммад аҳолининг ушбу эҳтиёжманд қатлами иш таъминоти масаласида ҳали ҳам қийинчиликларга дуч келаётганини таъкидлади. "Жаҳон миқёсида ногиронлар сони ва ногиронлар бандлиги ўрталари тафовут деярли 30 фоиз пунктни ташкил этади, бу 2018 йилдаги кўрсаткич билан бир хил, вазият ўзгармаган", деди БМТ вакили.

ЎЗБЕКИСТОН ТАЖРИБАСИ

Статистикада келтирилишича, ҳозирда юртимизда расмий рўйхатдан ўтган ногиронлиги бўлган шахсларнинг умумий сони 967 миң 925 нафарни ташкил этмоқда. Уларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари қатор қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда акс эттирилган. Хусусан, 2024 йилда «Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида»ги Қонун янги тахрирдан қабул қилинди. 2021 йили мамлакат БМТнинг Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциясини ратификация қилди. Янгиланган Конституциямизда ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари алоҳида белгиланди.

Оғир ҳаётий вазиятга тушиб қолган, ногиронлигининг ўзи бу тури мавжуд фуқароларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, айниқса, уларнинг бандлигини таъминлаш борасида Ўзбекистон тарихан қисқа вақт ичида умумэтирофга лойиқ тажриба тўплади, деб иккиланмай айтиш мумкин.

Мисол учун. Ҳозирги кунда расмий банд ногиронлиги бўлган шахсларнинг сони 82,5 миң нафарга етиб, йил бошига нисбатан 8 миң нафарга ошди. Ишлаш истагида бўлган 3,3 миң нафар ногиронлиги бўлган шахс очик танлов орқали давлат ташкилотларидаги бўш иш ўринларига жойлаштирилди. Ушбу рақамлар юртимизда ногиронларни иш билан таъминлаш кўрсаткичи йилдан-йилга ошаётганини исботлайди.

Ижтимоий ислохотларни маҳалла даражасигача, яъни, манзилли ташкил этиш, ижтимоий дафтарларни юритиш орқали эҳтиёжманд инсонлар, жумладан, ногиронлиги бор ҳамюртларимизнинг турмуш шароитини ўнглаш, бунинг учун эса уларни ижтимоий-иқтисодий фаол ҳаёт билан қамраб олиш йўлида барча куч ва имкониятлар сафарбар этилмоқда. Бошқача айтганда, Ўзбекистон ижтимоий давлатга хос конституциявий мажбуриятларини, ҳар қанча қийин бўлмасин, муваффақиятли уддалашга интилоқда.

РЕАБИЛИТАЦИЯ ҚАМРОВИ ҚАНДАЙ?

Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ягона марказлашган тизим сифатида шакллантирилган, ижтимоий ёрдамлар қамрови қаррасига ошди. Барча ҳудудларда "Инсон" марказлари очилиб, 102 та ижтимоий хизмат маҳаллаларда йўлга қўйилди. Одамларнинг даромадлари ва яшаш тарзида кескин тафовулларнинг, тенгсизликнинг олдини олиш, ҳар бир инсон давлатнинг эътибори ва ғамхўрлигидан четда қолмаслигини кафолатлаш мақсадлари реал ҳаётий натижаларда намоён бўла бошлади. Ногиронлиги бор шахслар учун таълим, бандлик, соғлиқни сақлаш, тадбиркорлик ва бошқа соҳаларда тенг имкониятларни яратиш, уларни жамиятимизнинг тўлақонли аъзоси деб тан олувчи ижтимоий нормани барча жабҳага чуқур сингдириш қамрови кенгайди.

Мамлакатда инклюзивликни қарор топтириш, ногиронлиги бор инсонларни қўллаб-қувватлаш ҳақида сўз борганда, табиийки, уларни реабилитация қилиш масалаларини ҳам тилга олмасликнинг иложи йўқ. Бинобарин, шу йил 13 декабрь кунини давлат раҳбари ижтимоий ҳимоя соҳасидаги ишлар натижадорлиги ва 2025 йил учун устувор вазифалар муҳофазатси юзасидан ўтказган видеоселектор йиғилишида мазкур жиҳатга ҳам алоҳида тўхташди.

Дарҳақиқат, кейинги йилларда ногиронлиги бўлган шахсларга кўмаклашиш, уларни жамиятга интеграция қилиш, сифатли протез-ортопедия ва реабилитация воситалари билан таъминлаш тизими такомиллаштирилди. Протез-ортопедия мосламалари ва реабилитация қилишнинг техник воситалари турлари 18 тадан 30 тага, қоплаб бериладиган маблағлар миқдори ўртача 10 бараваргача оширилди.

Эсласангиз, яқин давргача ногиронлиги бўлган шахсларни махсус аравача ёки қўлтиқтаёк билан таъминлаш ҳам қанча муаммолар кузатилади. Муҳтож инсонлар ногиронлик аравачаси олиш учун оилаб навбатда турган кунлар кўпчилигининг ёдидан чиқмагандир. Ҳозир эса ногиронлиги бор ҳар бир шахс ўзига зарур мосламани харид қилиш учун танлов эркинлигига эга. Бу жараён электрон тарзда шаффоф ва очик тус олган.

Қувонарлиси, эндиликда ногиронлиги борларни реабилитация қилиш кўламини янада кенгайдиган бўлди. Юқорида айтиб ўтганимиз видеоселектор йиғилишида ҳар бир вилоят ва туман шифохонасида реабилитация хизматлари кўрсатилиши гадаги муқим вазифалар сирасига киритилди. 12 та ногиронлик реабилитация марказида эрготерапия, физиотерапия, даволаш-гимнастика хизматлари қамрови 5 қарра оширилиши кутилмоқда.

Ногиронлиги борларга бериладиган протез ва реабилитация воситалари тури яна 7 тага кўпайиши, бу орқали 2025 йилнинг ўзида 80 миң муҳтож одамга зарур протез воситалари етказиб берилиши айни муддаодир.

Яна бир яхши гап. Қонун доирасида берилган имтиёз ва имкониятлар ҳисобига, 2024 йили юртимиз тадбиркорлари ногиронлиги бор 40 миң фуқарони ишга олган. Буни янада кенгайтириш учун янги йилнинг 1 январидан ногиронлиги бўлган ишчилар учун ижтимоий солиқ 1 фоиз этиб белгилангани, бундай одамларни ишга жойлаган хусусий бандлик компанияларига 500 миллион сўмгача грант берилиши, пироваврида эса яна 80 миң ногиронлиги бор одам иш билан таъминланиши ижтимоий ҳимоя ва инсонпарварликка уйғун стратегик ислохотларнинг бардавтомлигини кафолатлайди.

Фарида МАҲКАМОВА,
"Ўзбекистон овози" мухбири.

ТОМОРҚАГА МЕҲР МЎЪЖИЗА ЯРАТАРКАН

Таҳлилчилар ҳар мавсумда 1 сотих томорқадан камида 1-2 миллион сўм даромад олма бўлишига ишонтиришмоқда. Уларнинг фикрича, ўртача 20 сотих томорқадан 3 марта ҳосил олиш орқали, йилига 50-60 миллион сўм даромад топиш мумкин.

Кейинги вақтларда Сайхунобод тажрибаси ҳақида кўп гапирилмоқда. Жорий йилнинг бошида давлатимиз раҳбари Сирдарёга ташрифи давомида Сайхунобод тумани «Иттифоқ» маҳалласида бўлиб, томорқа ва уй хўжаликлари билан танишиш асносида "1 сотих томорқадан камида 1-2 миллион сўм даромад" мезони асосида бизнес режа ишлаб чиқишга доир тавсиялар берган эди.



Аҳолининг бўш турган томорқасида кишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, даромадини ошириш, энг асосийси, ердан самарали фойдаланиш, деҳқонлар учун бозор топишга кўмаклаш, тадбиркорларни сифатли уруғ ва дори воситалари билан таъминлаш, тадбиркорларнинг экспортига амалий ёрдам бериш, ер муносабатларини кучайтириш борасида Сайхунобод тажрибасини йўлга қўйиш юзасидан топшириқлар берилди.

Анвархон ТЕМИРОВ,
Олий Маҳжлис Қонунчилик
палатасидаги
ЎЗХДП фракцияси аъзоси:

– Бу тажриба ҳақида мутахассислар ҳам, халқимиз ҳам яхши фикрларни айтаяпти, кўпчилик бундан хурсанд. Бу, айниқса, вақтинчалик ишсиз, кам даромадли кишилар ҳаётини яхшилаш, оилалар фаровонлигини оширишда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Чунки, эътибор ва имкониятлар туфайли кишлоқларда томорқачилик янада ривожланди, бўш турган ерларига фойдали экан турларини экан, чорвачилик, асаларичилик, паррандачилик, кўнчилик йўналишида иш бошлаган, иссиқхона хўжалигини ташкил этган, хунармандчилик, тадбиркорлар фаолиятини йўлга қўйган, жуда кўп бўлмаса-да, даромад топиб, фаровончиликка эришаётганлар кўп бўлди. Умуман, томорқа хўжалигидан оқилона фойдаланиш, уни даромад манбаига айлантириш аҳоли бандлигини таъминлашнинг муҳим омили эканлиги амалда ўзини тўла оқлади.

Тажриба фақат шу ҳудуд билан чекланиб қолмади, бу ердаги амалиёт бора-бора бошқа ҳудудларга ҳам кенг татбиқ қилинди. Масалан, "Сайхунобод" ва "Уйчи" тажрибалари асосида аҳоли бандлигини таъминлаш ва даромадларини ошириш бўйича 9 445 та маҳаллада уч томонлама ҳамкорлик шартномалари имзоланган. Яъни, бу ҳокимлик, банк филиали раҳбари, маҳалла раиси билан.

Маълумотларга кўра, шу йилнинг 10 ойи давомида амалда 4,1 млн нафар аҳоли бандлиги таъминланди ҳамда 2,4 млн нафар аҳоли бизнесга жалб қилинди.

Сайхунобод тажрибаси, аввало, аҳолини иш билан таъминлаш мақсадини кўзлайтиди. Бу одамларга томорқасидан унумли фойдаланиб, ўз ижтимоий аҳолини яхшилашни ўргатадиган тажриба. Ердан унумли фойдаланиб, экспорттоб ва сердаромад экинлар экиб, пул топишни ўрганиш ва оилаларнинг молиявий аҳолини яхшилаш кўзда тутилган. Келинг, натижалар билан фикримизни изоҳлаймиз.

Хусусан, "Сайхунобод тажрибаси"ни жорий этиш орқали асосан октябрь ойида амалда 380,0 миң нафар аҳоли бандлиги таъминланди, шундан 255 миң нафар аҳоли бизнесга жалб қилинди. Ҳар бир маҳаллада кичик ишлаб чиқариш, хизмат ва савдо объектига ташкил этиш учун 40,6 миңта микро-лойиҳага 928 млрд сўмлик кредит ажратилиб, 65,8 миң нафар аҳоли бандлиги таъминланди.

Ер аслида хазина. Ундан оқилона фойдаланиш, уни даромад манбаига айлантириш аҳоли бандлигини таъминлашнинг муҳим омили эканлиги Сайхунобод тажрибаси мисолида ўзини амалда тўла

оқлади.

Кишлоқ хўжалиги вазирлиги маълумотларига кўра, жойларда камбағал оилаларга деҳқончилик ва боғдорчилик учун 50 миң гектар ер ажратиш бўйича аниқ ҳисоб-китоблар ишлаб чиқилди. Бундан ташқари, 9 та тижорат банклари ҳар бир ҳудудда 1 тадан жами 14 та "супер лойиҳа"ни амалга оширди. Ушбу лойиҳалар учун 718 нафар аҳолига ижарага берилган 222 гектар ер майдонлари танлаб олинди, 14 та агрегаторлар бириктирилган ва маҳсулотларини сотиб олиш бўйича ер эгалари билан агрегаторлар ўртасида фьючерс шартномалари имзоланган.

Биламизки, бу йил Сайхунободда илк қорнинг қилиниб, 19 та маҳалланинг ҳар бирига 1 тадан мини трактор, 4 тадан мотокультиватор олиб берилди. Ушбу техникалар томорқа ерларини ҳайдаш ва экин экиш хизматларини кўрсатиб келмоқда. Хуллас, иш қизғин.

Таҳлилларнинг кўрсатишича, ҳар бир хондонда табиий иситилмайдиган кичик иссиқхоналар барпо этиш йўлга қўйилди. Бу иссиқхоналар турли хил эрта пишар кўчатлар билан таъминланди. Қўп қаватли уйларда яшовчилар учун ҳам имкониятига қараб суғориладиган экан иссиқхоналар барпо этиш йўлга қўйилди. Бу иссиқхоналар турли хил эрта пишар кўчатлар билан таъминланди. Қўп қаватли уйларда яшовчилар учун ҳам имкониятига қараб суғориладиган экан иссиқхоналардан ерлар ажратиб берилди. Яна бир муҳим жиҳат, аҳолининг томорқадан унумли фойдаланиши учун маҳаллаларга банклар бириктирилди. Ушбу банклар одамларнинг деҳқончилик, чорвачилик, тадбиркорлик каби йўналишлардаги бизнес лойиҳаларини молиялаштиришга кўмак бериб келмоқда.

Бир сўз билан айтганда, бугун сайхунободликлар янги тажриба ва янги ўзгаришлар руҳи билан яшамоқда, эртанги кунга меҳнатга иштиёқ билан, катта шижоат ва ғайрат билан қадам қўймоқда.

Юсуф МИРЗАЕВ,
деҳқон:

– Томорқамда тўрт сотих майдонга иссиқхона қургандим. Оила аъзоларим билан эрта пишар помидор кўчати эдиким. Уч марта ҳосилини йиғиштириб олганимдан сўнги иссиқхона учун сарфлаган маблағим қопланди. Ерни боқсанг, ер сени боқди дейишадикун. Ерга меҳр бериб, қарадик, мана энди самарасини кўряпмиз. Ҳали яна икки марта ҳосил йиғиштириб олиш имкониятимиз бор. Меҳнатимиз натижасини кўриб, ернинг ҳар қаричидан фойдаланишга ҳаракат қиляпмиз. Бўш қолган жойларга болгар қалампири, гармдори, бақлажон ҳам экканмиз. Уларни ҳам пешма-пеш йиғиштириб, бозорга чиқараяпмиз.

Хуллас, ҳаммамиз, бутун оиламиз билан оила бюджетига, даромадига ҳисса қўиш учун ҳаракат қиляпмиз. Утирган-дан, бекорчиликдан нима фойда.

Томорқамнинг ҳар қарич ери мен учун олтинга тенг, унинг ҳар қаричини яхши кўраман. Шундай пайтда ишлаган сари ишлаганг келади-да...

Бугун бундай илиқ гапларни нафақат сайхунободликлар, балки бошқа қўллаб юртошларимиздан эшитиш мумкин. Натижа бўлаётганини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда.

Лазиза ШЕРОВА,
"Ўзбекистон овози" мухбири.

ЙИЛ

10 ДАН 1 ЭМАС, 3 ДАН 1!

Кейинги беш йилда Ўзбекистонда олий таълимда муҳит ва кайфият бутунлай ўзгариб кетди. Йилдан-йилга олий таълим муассасаларига ўқишга кираётган ёшларнинг сони ўсиб бормоқда.

2017 йилда ОТМ сони 77 та бўлиб, олий таълимда тахсил олиш истагида бўлганлар сони бир неча баробар кўп эди. Бугунга келиб, 210 та олийгоҳда турли соҳа мутахассислари етишиб чиқмоқда. Natijaда қабул квоталари 4 баробарга ошди. Шунингдек, ўтган йили ОТМларга 1 миллиондан ортиқ абитуриент хужжат топширган бўлса, 300 мингдан зиёди ўқишга қабул қилинди. Де-мак, аввалгидек ҳар 10-11-эмас, ҳар учинчи абитуриентда талаба бўлиш имкони юзага келди.

Квоталар сонигина эмас, таълим стандартлари ҳам ўзгарди. Мазмун жиҳатидан яқин бўлган бакалаврият таълим йўналишлари 40 фоизгача (306 тадан 183 тага) мақбуллаштирилди. 183 та таълим йўналиши ва 546 та мутахассислик бўйича маляка талаблари, 1 278 та ўқув режа ва 4 мингдан ортиқ ўқув дастур (силлабуслари тасдиқланди. Шу билан бирга, 7 та олийгоҳдаги 39 та таълим дастурлари халқаро аккредитациядан ўтказилди.

КЕЧА ВА БУГУН

Келинг, бир неча йил аввалига назар солайлик ёки ўзимиз, ука-сингилларимиз ўқишга кириш учун қаңчалар қийналганини эслайлик. Айниқса, Ўзбекистонда юқори демографик ўсиш кузатиладиган, бироқ олий таълим қадрови ўзгаришсиз қолаётган даврларни тасаввур қилинг.

Ушанда ОТМларга ўқишга кириш жуда мураккаб, кимлар учун ҳаттоки имконсиз орзуга айланиб қолган эди. Квоталар кам бўлгани сабабли қабул имтиҳонларини мураккаблаштириш, мактаб дарсликларига мутлақо бегона бўлган мавзуларда саволлар тузиш авжига чиқди. Ана шу каби муаммо-

лар туфайли баъзи уйдабурон мутасаддиларнинг натижаларга таъсир қилиш имкони юзага келди. Охир-оқибат имкони борлар боласини имтиҳонга тайёрлаш баробарида катта пул ёки катта "танка" топиш пайига, ёшлар эса умидсизликка тушиб қолди.

Давлатимиз раҳбари ушбу ҳолатларни ҳисобга олиб, зудлик билан олий таълим муассасаларига тест синовлари орқали қабул қилиш тизимини такомиллаштириш чорасини кўрди. Мақсад имтиҳонларни ошқора ва шаффоф тарзда ўтказиш орқали чинакам билимли ёшларни олий таълимга қамаб олишдан иборат эди.

Бугун ҳамма тенг. Жумладан, абитуриентлар бинога киришда шахсни идентификациялаш қурилмалари ёрдамида текшириляпти. Олий таълим муассасалари бакалаврият таълим йўналишларига ўқишга қабул қилиш учун тест синовлари очиқ майдонли биноларда ўтказилмоқда ва буларнинг барчаси онлайн кузатув орқали назорат қилиняпти. Боланинг ота-онаси, яқинлари, умуман, имтиҳонни кузатиш истагида бўлганлар учун жараёнлар катта мониторларда, интернет тармоғи ва телевидение орқали тўғридан-тўғри намойиш этилмоқда.

Буларнинг барчаси техник жиҳатлар бўлса, абитуриентларнинг билими, заковатидан келиб чиқиб, кўшимча имкониятлар ҳам йўлга қўйилди. Мисол учун, уларга олий таълим муассасаларининг тест синови топширилаётган фанлар мажмуаси бир хил бўлган учтагача бакалаврият таълим йўналишида танловда иштирок этиш ҳуқуқи берилди. Талаба бўлиш истагидаги ҳар бир йигит-қиз ўз билим доирасини, имкониятларини яқши билади. Ана шу асосида имтиҳон йўналиши тўғри келган 5 та ОТМга хужжат топшириши мумкин. Бу эса имкониятларни ҳам 5 қарра оширади.

Ёдингизда бўлса, бир неча йил олдин 1 август кунини ҳамма имтиҳонга шошар эди. Қўчалар тирбанд, шаҳарларга қатнайидиган жамоат транспортларида жой йўқ, йўналишсиз таксиларнинг нархи осмонга кўтарилган,

узоқдан келганлар учун эса тунаб қолишга жой топиш муаммо бўларди. Одамларнинг сарсон бўлгани етмагандек, жуда катта пул сарфлашига ҳам тўғри келган. Бугун эса вазият бошқача. Имитхон ҳамма учун бир кунда бўлиши шарт эмас. Натижалар эса 15-20 кунлаб куттирмайди. Хуллас, одамларнинг вақти ҳам, нақди ҳам тежаладиган тизим ишлаяпти.

ЯНАДА АДОЛАТЛИ БЎЛИШИ УЧУН...

Соҳани янада адолатли қилиш мақсадида навбатдаги муҳим қадам ташланди. Яъни, "Олий таълим ташкилотларига ўқишга қабул қилиш ва давлат буюртмасини жойлаштириш тизимини такомиллаштириш тўғрисида"ги Президент фармони қабул қилинди. Унга кўра, 2024-2025 ўқув йили қабулидан бошлаб, давлат буюртмаси параметрларини давлат ОТМлари кесимида тақсимлаш амалиёти бекор қилиниб, бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича кундузги таълим шаклида тасдиқлаш тартиби жорий этилди.

Шунингдек, давлат буюртмаси бўйича квоталар тақсимотида муҳандислик, тиббиёт, аниқ ва табиий фанлар билим соҳаларига устуворлик берилмоқда. Ўрнатилган тартиб ва шартлар бўйича талабалар қабулини амалга оширувчи ОТМга давлат буюртмасининг тақсимотида иштирок этишга руҳсат берилди. Энди қайси соҳа бўйича қанча мутахассис кераклиги, уларнинг даражаси ҳақида янада аниқ хулоса юзага келади.

Табиийки, бу жараёнда бўлғуси талабаларнинг билим даражаси ҳам муҳим саналади. Яъни, давлат гранти квоталарининг ОТМлар кесимида тақсимоти тегишли бакалаврият таълим йўналиши бўйича рўйхатдан ўтган абитуриентларнинг танлови ва тўплаган балларига кўра амалга оширилади. Энди давлат гранти ўринлари энг юқори балл тўплаган абитуриентлар танлови асосида



белгиланади ва 2024/2025 ўқув йилидан бошлаб олий таълим ташкилотлари талабаларига давлат грантини ижтимоий-рағбатлантирувчи грант ва таълим гранти шаклида ажратиш йўлга қўйилди.

Бундан ташқари, давлат олий ва профессионал таълим муассасаларига (касб-ҳунар мактаби бундан мустасно) қабул қилиш бўйича имтиҳонлар "аввал тест, сўнг танлов" тамойилига мувофиқ бир вақтда ўтказилади. Бунда абитуриентлар ўз танловига кўра тест синови натижасида тўплаган баллидан келиб чиқиб, дастлаб олий таълимнинг бакалаврият таълим йўналишларига, сўнг профессионал таълим муассасаларига ўқишга кириш учун танловда иштирок этади.

Асосийси, мақсад фақат олий таълим эгаларини кўпайтириш билангина чекланмайди. Мамлакатимиз таълим тизимини тубдан ўзгартириш, уни халқроқ стандартларга интеграциялаш, меҳнат бозори талабига мос юқори малакали мутахассис кадрлар тайёрлаш бўйича изчил ислохотлар амалга оширилмоқда. Чунки тараққиётга интиляётган давлатлар биринчи навбатда инсон капиталига сармоя йўналтиради. Зеро, айнан инсон капиталининг қай даражада ривожлангани мамлакатнинг истикболини белгилувчи муҳим омилдир.

Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА,
"Ўзбекистон овози" муҳбири.

63 ДАН 80 ФОИЗГА ЕТКАЗИЛДИ

Сув танқислиги дунё бўйича йилдан-йилга ўткирлашиб бормоқда. Бу муаммо республикамизда ҳам яққол сезилиб келмоқда. Мутахассисларнинг фикрича, Марказий Осиёдаги музликлар майдони қарийб 30 фоизга қисқариши шароитида ўз вақтида мослашиш чоралари кўрилмаसा, бир қатор салбий оқибатлар пайдо бўлиши мумкин.

Аҳоли сонининг ўсиши, иқтисодийнинг турли соҳалари ва қишлоқ ҳўжалиги жадал сурьатлар билан ривожланиши сувга бўлган талабнинг йилдан-йилга ортиб боришига олиб келмоқда.

Тоza ичимлик сувидан фойдаланиш инсоннинг асосий ҳуқуқларидандир. Мамлакатимиз аҳолисини тоza ичимлик суви билан таъминлаш борасида қандай натижаларга эришилгани тўғрисида "Ўзсувтаъминот" акциядорлик жамияти бошқаруви раиси в.б Аҳмад Суванкуловга муурожаат қилдик.

Сўнгги йилларда ичимлик суви таъминоти ва оқова суви хизматлари соҳасида қамров даражасини ошириш мақсадида кенг қўллами ислохотлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, кейинги 7 йилда аҳолининг ичимлик суви таъминотини яхшилашга 20 триллион сўмга яқин маблағ йўналтирилди (олдинги 25 йилга нисбатан 8 баравар кўп). Ушбу маблағлар ҳисобидан 2 916 та сув иншооти ва 43 минг км га яқин ичимлик суви тармоқлари тортилди.

Натижада аҳолининг марказлашган ичимлик суви билан таъминланганлик даражаси 2017 йилда 63 фоизни ташкил этган бўлса, бугунга келиб ушбу кўрсаткич қарийб 80 фоизга етказилди. Ушбу давр мобайнида 8,7 миллион нафар аҳоли илк бор марказлашган ичимлик суви билан таъминланиб, 14,5 миллион нафар аҳолининг ичимлик суви таъминоти яхшиланди.

Жумладан, "Тўпаланг сув омбори сувидан фойдаланиш ҳисобига Сурхондарё вилоятининг ичимлик суви таъминотини яхшилаш" лойиҳаси доирасида Сароисиё, Денов, Шўрчи, Қумқўрғон туманларидаги 1 миллионга яқин аҳолининг ичимлик суви таъминоти яхшиланишига эришилди.

"Зарафшон дарёси сувидан фойдаланиш ҳисобига Жиззах вилоятини ичимлик суви таъминотини яхшилаш" лойиҳаси доирасида Дўстлик, Пахтакор, Мирзачўл туманлари ва Жиззах шаҳрида яшовчи 350 минга яқин аҳолининг ичимлик суви таъминоти яхшиланди.

2024 йилда аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш ва оқова суви хизматларини яхшилаш бўйича барча дастурлар доирасида 1,7 триллион сўмлик маблағлар ҳисобига 276 та объектда 1 минг 684 км ичимлик ва оқова суви тармоқлари ҳамда 196 та ичимлик ва оқова суви иншоотлари қурилди, реконструкция қилинди.

Халқаро молия институтлари ва хорижий ҳуқумат молия ташкилотлари иштирокидаги инвестиция дастурларига кўра, жорий йилнинг январь-ноябрь ойларида 20 та лойиҳа доирасида жами 172,0 миллион доллар маблағлар ўзлаштирилиб, топшириқ ижроси 107,4 фоизга бажарилди.

Жорий йилда 827,6 км сув ҳамда 133,1 км оқова суви тармоқлари тортилди, шунингдек 4 та суви тақсимлаш иншооти қурилди. Шу билан бирга, Тошкент вилоятининг Сангиота ва Тошкент ҳамда Наманган вилоятининг Янғиқўрғон, Уйчи ва Янги Наманган туманларида суви иншоотларини қуриш ва реконструкция қилиш ишлари якунланиб, объектлар фойдаланишга топширилди.

Иншоотлардаги мавжуд насосларни энергия тежамкор насосларга алмаштириш борасида ҳам бир қатор ишлар амалга оширилган. Жумладан, ҳудудий суви таъминоти қорхоналари ўз маблағлари ҳисобидан иншоотлардаги маънан эскирган 1 168 та насослар энергия тежамкор насосларга алмаштирилди.

Бундан ташқари, "Ўзсувтаъминот" АЖ томонидан қиймати 2,9 миллиард долларга тенг 6 та истиқболли лойиҳалар бўйича ишлар олиб борилмоқда.

Сув ресурсларидан эҳтиёткорлик билан фойдаланиш келажак авлодлар учун барқарор ривожланиш гаровидир. Ҳар бир фуқаро сувдан оқилана фойдаланиши лозим. Шунинг учун республикада тизимли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бир қатор концептуал хужжатлар қабул қилинди. "Ўзбекистон - 2030" стратегияси, "2030 йилгача атраф-муҳитни муҳофаза қилиш концепцияси", "2020-2030-йилларда Ўзбекистон сув ресурсларини ривожлантириш концепцияси" ва бошқа меъерий-ҳуқуқий хужжатлар шулар жумласидандир.

Бугунги кунда қишлоқ ҳўжалигида сувни тежайдиган технологияларни, жумладан, томчилатиб сўғориш тизимини жорий этишга жиддий эътибор қаратишмоқда.

Бир сўз билан айтганда, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш энг долзарб вазифаларидан бирига айланиб, бу борада қувонарли натижаларга эришилмоқда.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ,
"Ўзбекистон овози" муҳбири.



ЯШИЛ ЙИЛ САРИ

Глобал иқлим ўзгариши 21-асрда инсоният олдида турган асосий муаммолардан бири бўлиб, ҳаво ҳароратининг кўтарилиб бориши озий-овқат, атраф-муҳит, сув, энергетика, иқтисодий хавфсизлик билан боғлиқ занжирли муаммоларни келтириб чиқаради. Маълумотларга кўра, охириги 30 йил ичига ҳаво ҳарорати Марказий Осиё, хусусан, юртимизда сайёрамизнинг бошқа минтақаларига нисбатан (0,7 даража) кўпроқ - 1,5 даражага кўтарилган. Музликлар майдонини эса 50-60 йил ичига Осиёда тахминан 30 фоизга қисқарган. Бу ҳар бир мамлакат олдида кечиктириб бўлмаас стратегик вазифаларни қўймоқда.

Шунга мувофиқ равишда Ўзбекистон атраф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги қатор халқаро конвенцияларга қўшилган, глобал экологик сиёсатнинг фаол иштирокчисига айланмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг 2030 йилгача "яшил" иқтисодиётга ўтиш стратегияси, Ўзбекистон Республикасининг 2030 йилгача атраф-муҳитни муҳофаза қилиш концепцияси, Ўзбекистон Республикасида 2028 йилгача қаттиқ маиший чиқиндиларни бошқариш ҳамда биологик хилма-хилликни сақлаш бўйича Стратегиялар ишлаб чиқилган.

Мамлакатимизда экологик вазиятни барқарорлаштириш, яшиллик даражасини ошириш мақсадида "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси доирасида 2024 йилда жами 224 млн туп - баҳорги кўчат экиш мавсумида 138 млн туп, кузги мавсумда 86 млн туп кўчат экилди. Дарахларни сўғориш мақсадида 253 та сув чиқариш қудуқлари қазилди ва 2 906 км узунликда сўғориш тизимлари ташкил этилди. Йирик sanoат қорхоналари ҳудудлари ва атрафида 5,3 млн туп дарахт кўчатларини экиш орқали "яшил белбоғ"лар ташкил қилинди.

"Очиқ бюджет" тизими орқали "Менинг боғим" лойиҳаси ишга туширилиб, фуқароларнинг ташаббуслари орқали шакллантирилган лойиҳалар асосида "Яшил боғ" ва "Яшил жамоат парклар" барпо этиш ишлари олиб борилмоқда.

Орол денгизининг қургинг туби ва Оролбўйи ҳудудларида кўм кўчиши ҳамда атмосфера ҳавосига туз-чанг кўтарили-



шини бартароф этиш мақсадида 215 минг гектар майдонда "яшил қопламалар" яратилиб, уларнинг майдони 1,9 млн гектарга етказилди.

Чўл, тоғ ва тоғолди ҳудудларида чўлланиш ва кўм кўчиши, сув ва тупроқ эрозиясининг олдини олиш учун 1000 гектар майдонда хидма ўрмонзорлари (ихота) барпо этилди.

Ўрмон ҳўжаликларида 5,6 минг гектарда доривор ва озукабоб ўсимликлар плантацияси барпо этилгани ҳам инсон ва табиат ўйғунлигини янада мустаҳкамламоқда.

Бундан ташқари, юртимиздаги экологик вазиятни яхшилаш мақсадида GREEN CITY INDEX услуги асосида 13 та ҳудуднинг маъмурий маркази ва Тошкент шаҳрининг экологик паспортлари ва экологик рейтингни шакллантирилди. Бухоро ва Самарқанд шаҳарларининг экологик "мастер-режа"лари ишлаб чиқилди. Greencities.uz онлайн платформаси ишга туширилди.

Марказий Осиёда дастлабки экологик муаммоларга илмий ечим топишга қаратилган илмий университет Марказий Осиё атраф-муҳит ва иқлим ўзгаришини ўрганиш университети (Green University) ташкил этилди.

Қиска қилиб айтганда, экологик муамоларнинг хавф-хатарларини тўлиқ англаган ҳолда, мамлакатимизда кейинги йилларда тизимли чоралар қўрилмоқда, тарихий ишлар амалга оширилмоқда. Республикаимизда атраф-муҳит, қишлоқ ва сув ҳўжалиги ҳамда бошқа соҳалардаги сиёсат тубдан қайта кўриб чиқилди.

Мана шуларнинг ҳаммасига мос равишда юртимизда 2025 йил "Атраф-муҳитни асраш ва "яшил" иқтисодиёт йили", деб эълон қилинди. Ўзбекистон жаҳондаги глобал қаҳирқиларга ҳар томонлама муносиб иш тутаетгани халқаро даражада ҳам таъкидланмоқда.

МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРДА

ҲАЁТ БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ

Маҳаллий Кенгашлар катта куч ва салоҳиятга эга. Биз уларнинг имкониятларидан унумли фойдалансак, ютуқларимиз салмоғи ошади, ҳудудлар тараққиётига хизмат қиладиган ташаббусларимиз кенгайди, жойларда аҳоли эътирозларига сабаб бўлаётган муаммолар бартараф этилади.

Хўш, маҳаллий Кенгашлардаги ЎзХДП гуруҳлари фаолиятини янада кучайтириш учун нималарга эътибор қаратишимиз талаб этилади? Бу борада қандай вазибалар олдимизда турибди?

Биламизки, Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясида депутатлар фаолиятини яхшилаш, маҳаллий Кенгашлар нуфузини ошириш, ваколатларини кенгайтириш каби долзарб вазибалар белгиланган. Шундан келиб чиқиб, бугун халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларда ЎзХДП гуруҳларидаги муҳит ва кайфият ҳам янгиланмоқда, десак муболага бўлмайди.

Эътибор қилсак, кейинги пайтларда мамлакатимизда ислохотларнинг марказий нуқтасига чиқаётган муҳим соҳаларда депутатлик назорати олиб борилди ва улар сессиялар кун тартибига киритилди. Масалан, жорий йилнинг ўтган даврида маҳаллий Кенгашлардаги ЎзХДП гуруҳлари ташаббуси билан 562 та масала сессия кун тартибига олиб чиқилди. 612 та масала доимий комиссияда, 686 та масала эса депутатлик гуруҳи йиғилишида муҳокама этилди.

Фуқароларни ўйлантираётган ижтимоий масалалар қай даражада самара ва натижа

бераётгани депутатлик назоратини олиб бориш давомида янада яққол кўринади. Қонунлар, қарорлар, дастур ва бошқа муҳим ҳужжатларнинг ижросини, яъни, рўбинини билиш учун кўпроқ одамлар орасида бўлиш, ҳар бир маҳаллага, ҳар бир хонадонга кириб бориш керак. Муҳими – мана шу ишни сидқидилдан бажаришда.

Албатта, депутатлик назоратини олиб бориш жараёнида депутатларимиз, фаолларимиз устувор ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича ўз позициясини эркин билдирмоқда ва ҳимоя қилмоқда. Буларнинг барчаси партияларнинг электорати олдидаги масъулиятини ошириши аниқ.

ДАСТУРЛАР ИЖРОСИ ҚАТЪИЙ НАЗОРАТДА

Биламизки, ҳудудларни ҳар жиҳатдан ривожлантириш, аҳоли фаровонлигини ошириш мақсадида давлат ва маҳаллий дастурлар қабул қилинади. Албатта, уларни ҳаётга татбиқ этиш, белгиланган ҳар бир вазифани сидқидилдан ва ўз вақтида бажариш муҳим аҳамиятга эга. Гап давлат ва жамият манфаати, одамларимизнинг бугуни ва келажаги ҳақида кетганда бунга бефарқ қарашга ҳаққимиз йўқ.

Хўш, дастурлар ижросини ким назорат қилади? Албатта, депутатлар.

Тўғри, бундай ваколатга парламент куйи ва юқори палатаси ҳам, бошқа давлат ва жамоат ташкилотлари ҳам бевосита ваколатли. Аммо маҳаллий Кенгаш депутатларининг бу жараёндаги хиссаси ниҳоятда катта. Чунки улар бевосита аҳоли орасида фаолият юритади, улар билан елкама-елка

туради, одамларнинг дард-у ташвишини ҳаммадан кўра яхшироқ билади. Қисқа қилиб айтганда, улар ҳар куни реал ҳаёт билан юзма-юз келади. Шунинг учун жойлардаги ҳақиқий аҳволдан хабардор бўлиш, муаммоларни аниқлаш ва уларни ҳал қилиш, бу борада асосли таклифлар билан чиқишда халқ вакилининг ўрни ниҳоятда катта. Дастурлар ижросини назорат қилишда уларнинг кучи ва салоҳиятидан фойдаланиш энг тўғри ва самарали йўлдир.

Маълумки, маҳаллий Кенгашлар 15 дан ортиқ масалалар бўйича қарор қабул қилиш ваколатига эга. Айтайлик, аҳоли бандлигини ошириш, камбағалликни қисқартириш борасида ҳудудлардаги ҳақиқий ҳолатга баҳо бериш, амалга оширилаётган ишлар ижросини назорат қилиш ҳам бевосита маҳаллий Кенгашлар зиммасидаги ваколатлардан бири. Шундан келиб чиқиб, ЎзХДП депутатлари томонидан бандлик билан боғлиқ юзга яқин масала ўрганилди. Депутатлик назорати давомида маълум бўлган муаммо ва камчиликларни бартараф этиш бўйича асосли таклифлар тайёрланиб, сессиялар муҳокамасига киритилди.

Шунингдек, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламлари, ижтимоий рўйхатларга кирадиган ҳар бир оила, аёл, ёш бўладими, барча-барчаси ўша ҳудуддаги маҳаллий Кенгаш депутатлари томонидан очик ўрганилиб, Кенгашда муҳокама қилиниши ва ҳақиқатан муҳтожларга ёрдам кўрсатилиши керак. Шундан келиб чиқиб, депутатларимиз томонидан айни соҳага алоқадор 130дан ортиқ масала ўрганилди.

Албатта, депутат сайловчилари олдида масъулиятни хис қилган ҳолда фаол ишласа, вақтида берилган ваъдаларининг усти-

дан чиқса, жонкуярлик, фидойилик кўрсатса, халқда унга нисбатан ишонч уйғонади, обрў-ҳурмати ошади. Биз ҳам ана шу мезон асосида ишлашимиз давр талабидир. Агар Кенгашлар уйғоқ бўлса, ҳудудлар ривожланади. Депутатлар фаол экан, аҳолини ўйлантираётган масалаларга ечим топилади.

ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР БЎЙИЧА ҲИСОБОТЛАР ТИНГЛАНМОҚДА

Тўғриси айтсак, бугун маҳаллий Кенгашлар илгарига қараганда анча фаоллашган. Кенгашларда бир қатор долзарб масалалар бўйича ҳисоботлар тингланмоқда, қарорлар муҳокама учун тақдим этилмоқда. Йиғилишлар анча мунозарали, савол-жавоблар билан қизгин кечмоқда.

Масалан, жорий йилнинг ўтган даврида ижро ҳокимияти вакиллари ҳисоботлари 526 марта эшитилди. Лекин шуниси ҳам борки, фақат сессияларда ҳисобот бериш, қарор қабул қилиш билан иш битмайди. Албатта, уларнинг ижроси назоратга олиниши, бир масаланинг ечими учун охиригача курашиш керак бўлади. Албатта, бу йўлда тўхтаб қолиш керак эмас, ҳар доим ўзгаришлар, янгиланишлар томон юриш зарур.

Унутмайлик, реал ҳаётдан ва халқ эҳтиёжларидан узилиб қолмай ҳаракат қилган депутат асло кам бўлмайди.

Жаҳонгир ОЛИМОВ,
ЎзХДП Марказий Кенгаши бўлим бошлиғи.

ХОРАЗМ ВИЛОЯТ
ХОНҚА ТУМАНИДАГИ

«ОДИЛВЕК ВОВУРҲОН» МСНҲ

ЖАМОАСИ

Азиз

юртдошларимизни
Янги йил байрами
билан муборакбод
этади.

Янги йил янги
қувонғи ва янги
ютуқлар олиб келсин!



КУЧ ВА ИМКОНИЯТЛАРИМИЗНИ БИЗНЕС РИВОЖИГА САФАРБАР ЭТАМИЗ

“Тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш марказдан тортиб энг куйи бўгингача – барча раҳбарларнинг кундалик иши бўлиши шарт”.

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти**

Мамлакатимизда Президентимиз раҳбарлигида аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш, янги иш ўринлари ва қўшимча даромад манбаларини яратиш орқали камбағалликни қисқартиришга қаратилган кенг қўламли, тизимли ва аниқ манзилли иқтисодий ислохотлар амалга оширилмоқда. Мазкур ислохотларнинг туб моҳиятида “Инсон кадрлари учун” деган улуғвор ғоя мужассамдир.

Хусусан, 2020 йил 12 майда қабул қилинган “2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислох қилиш стратегияси” ҳам аҳолини замонавий ва қулай банк хизматлари билан таъминлаш орқали, кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш, оилавий тадбиркорликни ривожлантиришни ва пировардида, фуқароларимизнинг ҳаёт даражаси сифатини оширишни кўзда тутди.

Давлатимиз раҳбари раислигида жорий йилнинг 16 декабрь кuni ўтказилган видеоселектор йиғилишида банк хизматлари орқали маҳаллаларда камбағалликни қисқартириш бўйича амалга оширилган ишлар таҳлил қилиниб, келгуси йил учун асосий режалар белгиланган. Биз бу режалар асосида фаолиятимизни танқидий таҳлил қилиб, олдимизда турган энг устувор вазифаларимизни аниқлаб олдим.

Президентимиз тижорат банклари ижобий тажрибаларни кенгайтириб, халққа мадад бўлиши зарурлигини, 2025 йил бандликни таъминлаш ва камбағалликни камайтиришда энг муҳим ва ҳал қилувчи йил бўлишини таъкидладилар. Йиғилишда берилган топшириқларнинг сўзсиз ижросини таъминлаймиз. Бунинг учун имкониятларимиз ҳам, молиявий ресурсларимиз ҳам етарли.

Шунингдек, ҳокимликлар билан банкларнинг маҳаллаларда мувофиқ ишлаш тизими бўйича янги чора-тадбирлар илгари сурилди. Шу мақсадда маҳалла банкларни фаолиятини йўлга қўйиш таклифи билдирилди. Улар маҳалланинг бизнес имкониятларини ўрганиб, одамларнинг ғоялари ва қобилиятини лойиҳаларга айлантиради. Аҳолига молиявий тартибларни, маҳсулот ва хизматларини сотишни ўргатади, лойиҳаларга ҳамроҳлик қилади.

Бундан ташқари, тижорат банкларининг мавжуд муаммоларини бартараф этишга доир аниқ ечимлар кўрсатилди. Хусусан, банклар балансида 3 мингга ҳаракатсиз мулк борлиги, улар сотилса қўшимча ресурс ва 150 мингта иш ўрни учун захира пайдо

бўлиши қайд этилди. Шу боис банкларга ҳаракатсиз мулкларни бозор кийматида тўғридан-тўғри сотишга рухсат берилиши белгиланди. Мазкур таклиф тижорат банкларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга ва уларнинг молиявий имкониятларини оширишга қаратилгандир.

Маълумки, “Бизнесни ривожлантириш банки” давлатимиз раҳбарининг 2023 йилнинг 18 августда тадбиркорлар билан бўлиб ўтган мулоқотида билдирилган ташаббус асосида ташкил этилган.

2023 йилнинг 14 сентябрида қабул қилинган “Кичик бизнесни ривожлантиришни молиявий ва институционал қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент қарорига мувофиқ, “Бизнесни ривожлантириш банки” “Кичик бизнесни узлуксиз қўллаб-қувватлаш” комплекс дастурини самарали амалга ошириш ва уни доимий равишда такомиллаштириб бориш бўйича асосий таянч банк сифатида белгиланган.

Банкимиз ташкил топганидан буюн ўтган бир йилдан ортиқ вақт давомида республиканинг 14 та ҳудудида тадбиркорларни ўқитиш учун замонавий “Кичик бизнесга қўмақлаштириш ҳудудий марказлари” ташкил этилди. Мазкур марказлар томонидан 55 мингдан ортиқ тадбиркор ўқитилди.

Тадбиркорларга яратилган қулай ва жозибадор 10 турдаги молиявий инструментлар орқали бугунги кунга қадар дастурда иштирок этган 49 077 нафар тадбиркорга 4 триллион 800 миллиард сўмлик, шу жумладан, “Бизнесни ривожлантириш банки” томонидан 17 673 нафар тадбиркорга 1 триллион 800 миллиард сўмлик кредит маблағлари ажратилди. Бунинг натижасида 58 900 та янги иш ўрни яратилди.

Банкимизга республика бўйича 649 та маҳалла бириктирилган бўлиб, жорий йилда мазкур маҳаллаларга жами 1 триллион 500 миллиард сўм кредит ажратилиб, 473 минг нафар аҳоли бандлиги таъминланди. Шундан 70 минг нафари доимий ишга жойлаштирилди ва 403 минг нафари тадбиркорликка жалб қилинди.

Хусусан, “Сайхунобод тажрибаси” асосида хонадонбай ишлаш тизими орқали ҳар бир маҳалладаги хонадонларга жами 3992 та молиявий пакетлар, шу жумладан, 21 минг 800 та микролоиҳалар амалга оширилиб, 672 миллиард сўм кредит ажратилди. Натижада 40 102 нафар аҳоли бандлиги таъминланди.

“Уйчи тажрибаси” асосида 608 та учрашувлар ўтказилиб, 6 900 та муурожаат кўриб чиқилди. 6700 та муурожаат ҳал қилинди ва бунинг натижасида 12 600 та янги иш ўрни яратилди.

Аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш ҳам доимий диққат марказимизда. Жорий йилда хотин-қизлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш мақсадида 18 866 нафар аёлларга 919,8 миллиард сўм кредит маблағлари ажратилди. Банкимизга бириктирилган маҳаллаларда эса 1868 нафар аёл тадбиркорларга 122,9 миллиард сўм миқдорда банк кредити йўналтирилди. Бунинг самараси ўлароқ, 3 862 та янги иш ўрни вужудга келди.

Умуман олганда банкимиз томонидан шу кунга қадар 7 триллион 300 миллиард сўмлик кредит ажратилди.

Тадбиркорларни ўқитиш жараёнига “Япония тажрибаси”ни татбиқ этишга ва бу борада Япониянинг етакчи таълим муассасалари билан ҳамкорликни йўлга қўйишга алоҳида эътибор қаратмоқдамиз. Ана шу мақсадда банкимиз ва Ямагата университети ўртасида ҳамкорлик меморандуми имзоланган. Ўзаро келишув доирасида япониялик профессорлар билан ҳамкорликда 10 минг нафар тадбиркор “Бизнес портал” электрон платформаси орқали Япониянинг “u-hore” дастури асосида ўқитилди.

Япониялик мутахассислар ўқув дастурлари давомида муваффақиятли қатнашган тингловчилардан 24 нафар менторларни саралаб олди. Бу тингловчилар дастлаб Ўзбекистонда, кейинги босқичда Япониянинг Ямагата университетида ўз малакасини оширди. Режага мувофиқ, хорижда малака ошириб қайтган ҳар бир ментор томонидан жами 296 нафар тренерлар тайёрланади. Тадбиркорларни ўқитиш жараёнида кейинчалик мазкур менторлар томонидан ташкил қилинади.

Алоҳида таъкидлашни хоҳлардимки, Президентимизнинг банк хизматларини маҳалла даражасига олиб тушиш ташаббуси биз банк соҳаси ходимларини халққа янада яқинлаштирди. Энг муҳими, жорий этилган янги чора-тадбирларнинг дастлабки самараларини бера бошлади. Бу тизим самараси ўлароқ, ҳудудларда янги тадбиркорлик субъектлари вужудга келмоқда ва пировардида аҳоли учун қўшимча даромад манбалари пайдо бўлмоқда.

Кўрсатилган молиявий қўмақлар натижасида ўзини-ўзи банд қилган 18 284 нафар жисмоний шахслардан 12 794 нафари яққа тартибдаги тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтказилди ва 5 490 нафари юридик қорхона мақомини олди.

Дастурда иштирок этган 16 867 та яққа тартибдаги тадбиркордан 1 100 нафари масъулият чекланган жамият сифатида давлат рўйхатидан ўтказилди. Ташаббускорларнинг лойиҳалари учун

кредит маблағларини ажратиш жараёни ҳам рақамли технологиялар асосида содалаштирилган. Қолаверса, ушбу дастур орқали ташаббускорларга енгиллик яратиш мақсадида асосий жараёнлар электрон шаклга ўтказилган. Бундан ташқари, иштирокчиларга лойиҳаларни электрон рақамли имзо орқали масофадан тасдиқлаш имконияти яратилган. Бу эса тадбиркорларга қисқа вақт ичида ва шаффоф равишда кредит маблағларини ажратиш имконини бермоқда.

Келгуси йилда жамоамиз катта мақсадларни кўзламоқда. 2025 йилда банкимиз томонидан барча манбалар ҳисобидан 10 триллион 400 миллиард сўмлик кредитлар ажратишни режа қилинган. Жумладан, “Бизнесга биринчи қадам” маҳсулоти орқали 300 миллиард сўмдан ортиқ, “Маҳаллада бизнес” маҳсулоти орқали эса 150 миллиард сўмдан ортиқ кредит ажратишни мақсад қилганмиз.

Маҳаллабай ишлаш тизими доирасида 279 минг нафар аҳоли бандлигини таъминлаш режалаштирилган. Бунда 115 минг нафар аҳоли доимий ишга жойлаштирилади ва 164 минг нафари тадбиркорликка жалб қилинади.

Шунингдек, ташки манбалардан 357 миллион АҚШ доллари миқдоридagi хорижий сармоҳ жалб қилинади.

Осиё тараққиёт банки билан ҳамкорликда банкимизда миқдорга йўналтирилган “Микро, кичик ва ўрта бизнесга хизмат кўрсатишнинг янги операция модели”ни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий қилиш бўйича ишлар бошланган. Ҳозирда ОТБнинг “Инклюзив молия секторини ривожлантириш – молиявий воситачилик” дастури доирасида банкка 50 миллион АҚШ доллари миқдоридagi кредит линиясини жалб қилиш бўйича музокаралар олиб борилмоқда. Бу кредит линияси очилса, кичик бизнесни қўллаб-қувватлашдаги молиявий имкониятларимизни оширади.

Бир сўз билан айтганда, банкимиз камбағалликни қисқартириш, аҳоли фаровонлигини ошириш, кичик бизнесни узлуксиз қўллаб-қувватлаш борасидagi ишларни янада фаол ва изчил давом эттиради. Эътиборли жиҳати, шу кунларда банкимизга бириктирилган маҳаллаларда “Маҳалла банкларини” фаолиятини йўлга қўйилмоқда. Энди бу йўналишдаги фаолиятимизни янги чора-тадбирлар асосида амалга оширамиз.

Келгусида ҳам кичик бизнес лойиҳалари молиявий сармоҳлар йўналтириш, аҳоли бандлигини таъминлашга, қўшимча даромад манбаларини яратишга, фуқароларимизни кичик ва ўрта бизнесга жалб қилишга бор куч ва имкониятларимизни сафарбар қиламиз.

**Саҳи АННАКЛИЧЕВ,
“Бизнесни ривожлантириш банки”
АТБ Бошқаруви раиси.**

СУВ, ГАЗ ВА ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ ҲИСОБЛАГИЧЛАРИ МУРОЖААТСИЗ ҚИЁСЛАШДАН ЎТКАЗИЛАДИ



Адлия вазирлиги хабарига кўра, 18 декабрь кuni Вазирлар Маҳкамаси давлат хизматлари кўрсатиш тизимини такомиллаштириш тўғрисидаги қарорни имзолаган.

Унга кўра, беш турдаги давлат хизматлари проактив форматга ўтказилади. Бу жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатларисиз ваколатли органлар ташаббуси билан кўрсатиладиган давлат хизматлари деганидир.

Бунда куйидаги хизматларни проактив тарзда кўрсатиш назарда тутилмоқда:

- электр энергиясини ҳисобга олиш ускуналарини даврий қиёсладан ўтказиш;
- табиий газни ҳисобга олиш ускуналарини даврий қиёсладан ўтказиш;
- ичимлик сувини ҳисобга олиш ускуналарини даврий қиёсладан ўтказиш;
- иссиқ сувни ҳисобга олиш ускуналарини даврий қиёсладан ўтказиш;
- хусусий бандлик агентликларини Хусусий бандлик агентликларининг реестрига киритиш.

Давлат хизматлари агентлигининг қайд этишича, даврий қиёсладан ўтказиш мuddатидан 3 ой олдин ваколатли орган ходимлари томонидан ҳисоблагичлар олиб кетилади ва қиёсладан ўтказилиб, қайта ўрнатиб берилади.

«Сув, газ ва электр энергияси ҳисоблагичини қиёсладан ўтказиш учун қайғурманг! Эндиликда, ушбу ҳисоблагичлар ваколатли органлар томонидан ташаббус асосида қиёсладан ўтказилади», — дейилган хабарда. Яна олтита хизмат жисмоний ва юридик шахсларнинг битта муурожаати асосида ваколатли

органлар томонидан кўрсатиладиган икки ва ундан ортиқ давлат хизматларини бирлаштирувчи композит тарзда кўрсатилади. Булар,

- кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказиш ва ушбу манзилга доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга қўйиш;
- кўчмас мулк ижара ёки текин фойдаланиш шартномаларини давлат солиқ мақолати органларида ҳисобга қўйиш ва ушбу манзилга вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга қўйиш;
- давлатга тегишли бино ёки иншоотни бир йилдан кам бўлмаган мuddатга ижарага бериш ва кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказиш;
- E-auction электрон савдо платформасида кўчмас мулк объектларини сотиш ва кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш;
- тиббий фаолият учун лицензия билан бирга рентген ускунасида фойдаланиш учун рухсатнома олиш;
- хавфли юкларни ташиш учун сиғимларнинг ярқоқлиги тўғрисида хулоса билан бирга ядровий ва радиоактив материаллар, радиация манбалари, радиоактив чиқиндилар ва қурилмаларни ташиш шартлари ва усуллари санитария қоидаларига мувофиқлиги тўғрисида хулоса олиш кўзда тутилган.

Ўз муҳбиримиз.



УЙ-ЖОЙ СОТИБ ОЛУВЧИЛАР УЧУН РАҚОБАТ ҚЎМИТАСИ ТАВСИЯЛАРИ

Маълумотларга кўра, жорий йил бошдан Рақобат қўмитасига кўп квартиралар уйлар қурилиши юзасидан 1700 га яқин муружаат келиб тушган.

Ушбу ҳолатлар юзасидан республикадаги 129 та қурувчи корхоналарнинг шартномалари таҳлил қилиниб, қуйидагилар аниқланган:

- 80 фоиз шартномада қурувчи корхоналарга қайта ҳисоб-китоб ҳуқуқ устуворлиги берилган бўлса, атиги 20 фоизда ҳар иккала тарафларга мазкур ҳуқуқлар белгиланган;
- 58 фоиз шартномада кўрсатилган умумий майдон қурилиши якуни бўйича майдонлар орасида тафовут мавжуд бўлганда қайта ҳисоб-китоб ҳуқуқи белгиланмаган;
- 37 фоиз шартномаларда хонадон ичида амалга ошириладиган қурилиш ишлари тўғрисида мажбуриятлар киритилмаган;
- 18 фоиз шартномаларда қурувчи ва истеъмолчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисида бандлар киритилмаган;
- 39 фоиз шартномаларда қурилиш объектнинг топшириш муддати кўрсатилмаган;
- 51 фоиз шартномаларда қурилиш топ-

ширилишининг ҳар бир кечиккан куни учун қурувчи томонидан тўланадиган пеня белгиланмаган;

– 86 фоиз шартномаларда қурувчи ва истеъмолчи томонидан шартномани бекор қилишни талаб қилиш ҳуқуқи белгиланган, (шундан, 41 фоизда шартномани ҳар иккала томоннинг манфаатлари кўзланган бўлса, 59 фоизда фақатгина қурувчи корхонанинг манфаатлари кўзда тутилган) 14 фоизда эса шартномани бекор қилиш тўғрисида банд киритилмаган;

– шунингдек, шартнома тузилгандан сўнг, дастлабки тўлов муддати 30 кундан ошмаслиги қайд этилган бўлса, 74 фоиз ҳолатда шартнома бир томонлама бекор бўлганда харидорга тўловни қайтариш муддати 30-180 кун ва айримларида эса 24 ойдан 36 ойгача этиб белгиланган;

– 84 фоиз шартномаларда хонадонни харидор томонидан қабул қилиб олингандан сўнг, қурувчи томонидан унга кафолат муддати белгиланмаган;

– кафолат муддати давомида хонадонда нуқсонлар аниқланса, қурувчи томонидан



бартараф этиш мажбурияти 82 фоиз ҳолатда белгиланмаган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Рақобат қўмитаси уй-жой сотиб олувчиларга қуйидаги тавсияларни берди.

Биринчи навбатда шартнома шартларини батафсил ўқиб чиқиш тавсия этилган. Сабаби, шартномада ҳамма жиҳатлар инobatга олиниши ва улар аниқ белгиланиши лозим. Шунингдек,

– асосий жиҳатлар (қурилиш муддатлари, томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, уларнинг ўзаро боғлиқлиги, қурилиш ва

фойдаланишга топшириш муддатлари, муддатлар учун жавобгарлик ҳисобга олинганини текшириш);

– компаниянинг иш тажрибаси ва қурувчининг ишончлилигига ишонч ҳосил қилинг (электрон рўйхат ва қурилишда «Шаффоф тизим» мавжудлигини очиқ манбалардан текшириш мумкин);

– тўловларни фақат банк ҳисоблагичлари орқали амалга ошириш каби тавсиялар берилган.

Ўз мухбиримиз.

“ЎЗТРАНСГАЗ” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ

“УРГАНЧТРАНСГАЗ” УҚ ЖАМОАСИ

ҲАМИЮРТЛАРИМИЗНИ ЯНГИ ЙИЛ БИЛАН ҚУТЛАЙДИ!

«АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА “ЯШИЛ” ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ» ХАЛҚИМИЗГА ҚУТ-БАРАКА ОЛИБ КЕЛСИН.

Тинчликимиз абадий бўлсин!

МУАССИС:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

O'zbekiston Ovozi

TAHRIR HAY'ATI:

Ulug'bek INOVATOV

Ulug'bek VAFOYEV

Maqsuda VORISOVA

Qalandar ABDURAHMONOV

Guliston ANNAQILICHEVA

Muslihiddin MUHIDDINOV

Hayotxon ORTIQBOYEVA

Toshtemir XUDOYOQULOV

Bosh muharrir: To'liqin TO'RAXONOV

MANZILIMIZ: 100029, Toshkent, Mустақиллик майдони 5/3

Телефонлар: (71) 239-12-14

Реклама бўлими: (91) 190-19-49. E-mail: uzbovozi@mail.ru

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi

bosmaxonasida chop etildi.

Korxonalar manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 4 bosma taboq.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida
0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

Navbatchi: Ravshan SHODIYEV

Г — 1237. 3268 nusxada bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220.

t — Tijorat materiallari

O'za yakuni —

Topshirilgan vaqti —

1 2 3 4 5 6

Sotuvda kelishilgan narxda

Gazeta haftaning chorshanba kuni chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.